

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

О.Алиев	
Ахборот хавфсизлигига доир тушунчалар тавсифи	190
К.Пулатов	
Совет даврида Ўзбекистонда тарғиботнинг ривожланишида даврий матбуотнинг ўрни(1953-1956 йиллар)	193
С.Назарова	
Ўзбек санъатини забт этган Қўқон булбули	197
Д.Тошпулатова	
Муаллиф онги ва тафаккурида буюк қадриятларнинг акс этиши	201
И.Жўраев, Ҳ.Жўраев	
Навоий ижодида маънавий-маиший таназзул ва ижтимоий инқироз ифодаси	204
А.Акбаров	
Абадиятга дахлдор можаро	207
Н.Соатова	
Бадиий тасвирда адибнинг эстетик қарашлари	210
Н.Холматова	
Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашларининг шаклланиши	214
Д.Юлдашева	
“Алла” матни лингвофольклористиканинг ўрганиш объекти сифатида	218
Ш.Кахарова	
Ўзбек ва инглиз педагоглари мулоқот хулқида қўлланиладиган мурожаат шаклларининг қиёсий тадқиқи.....	220
Ш.Мўминов	
Янги ўзбекистонда раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасига доир	223
Н.Юлдошева	
Содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи морфологик омиллар ҳақида.....	226
М.Хошимов	
Тилда «субъектив – модал баҳо» микроконцептини воқелантирувчи кириш гапли қўшма гапларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари	228
М.Ҳусайнова	
Касб-хунарга оид латифаларнинг прагматик хусусиятлари	236
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Илмга бахшида умр	239
Библиография	242

УДК: 372+398.8+784.4

“АЛЛА” МАТНИ ЛИНГВОФОЛЬКЛОРИСТИКАНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

ТЕКСТ “АЛЛА” КАК ОБЪЕКТ ИССЛЕДОВАНИЯ ЛИНГВОФОЛЬКЛОРИСТИКИ

TEXT “ALLA” AS AN OBJECT OF LINGVOFOLKLORE STUDY

Юлдашева Дилафруз¹¹ Юлдашева Дилафруз– Фарғона давлат университети, филология
фанлари доктори, доцент.**Аннотация**

Мақолада болаларга хос оғзаки матнлардан бири саналган аллаларнинг лингвофольклористикада ўрганилиши ҳамда унинг болалар оламининг ўзига хос лисоний манзарасини очиб бериши ҳақида фикр юритилган.

Аннотация

В статье рассматривается изучение текста «Алла» в лингвофольклористике и раскрывается его уникальная языковая картина детского мира.

Annotation

The article examines the study of the text "Alla" in linguistic and folkloristic studies and reveals its unique linguistic picture of the children's world.

Таянч сўз ва иборалар: алла, синкретизм, маданий код, лингвофольклористика.

Ключевые слова и выражения: алла (колыбельная), синкретизм, культурный код, лингвофольклористика.

Key words and expressions: alla (lullaby), syncretism, cultural code, lingvofolkloristics.

Болалар хос оғзаки матнлар болалар оламининг лисоний манзарасини очиб беришга хизмат қилади. Жумладан, алла оналарнинг фарзандига айтган биринчи қўшиғи синкретизм ифодаси, гўёки фарзандини сўз билан ҳимоялаши, овутиши алла матнларининг болага хослигини таъминлайди ҳамда этнография, халқ педагогикаси, психолингвистика билан боғлиқ жиҳатларни намоён қилади.

Ўзининг мазмуний тузилиши, коммуникатив вазифаси жиҳатидан болага ажойиб эстетик завқ берадиган, функционал жиҳатдан тугалланган алла матнлари лингвофольклористиканиннг ўрганиш объекти сифатида болаларга хос таъсирчанлиги ва ифода кўламининг кенглиги билан ажралиб туради. Турли этнос аллаларининг олам манзарасида “ҳаёт ва ўлим”, “мен, сен ва ўзга” концептининг муштараклигини кўрамиз. Д.М.Мухаммадиева “Коммуникативное пространство традиционной колыбельной песни” номли диссертациясида Тюмень вилоятидаги рус, татар, украин, қозоқ, немис аъъанавий аллаларининг коммуникатив жиҳатларини, 157 та алла матнининг концептуал таҳлили орқали аллаларнинг прагматик хусусиятларини, этник ва социал

стереотипларини аниқланган[1]. А.А.Ковалевская “Колыбельные песни в пренатальном развитии будущего ребенка” номли мақоласида эса бешик қўшиқлари болада мусиқий идрокни ривожлантириб, унда бахтиёрлик ҳисларини уйғотиши, бу эса ижтимоий мослашувига замин ҳозирлаб, ижобий ва салбий факторларнинг пайдо бўлишига олиб келишини таъкидлайди. Шунингдек, алла ҳиргойи қилиб юрган бўлажак она бола филогенезида «маданий ген»нинг онтогенез трансформациялашувига кўмаклашади.

Алла мусиқа сифатида бўлажак онада инерцион (интуитив) ички барқарор руҳий ҳолатни, синергетик (хаос)ни, мобил (мослашувчан)ликни, қадриятли; сенсор(мусиқатерапевтик); дистанцияли мурожаатли, интеллектуал; импровизацион; идентификацион ҳолатларни вужудга келтириши таъкидланади. Бешик қўшиқларини бўлажак оналарга ўргатишнинг муҳим жиҳатлари мавжуд: кундузги стрессдан кейин бола ва онани тинчлантириш; боланиннг кун тартиби учун биологик соатни сошлаш; болада мусиқага иқтидор ва мусиқага бўлган муҳаббатини ривожлантириш; физиологик жиҳатдан

боланинг чала туғилиши гипоксиянинг олдини олиш; ҳомиладор аёлларни нафас олдириш йўли билан туғруққа тайёрлаш; энгиллик, оғриқ қолдирувчи таъсир, тананинг ички кучлари фаоллашув жараёни юз беради. В.В.Запорожецнинг “Символика колыбельных песен” мақоласида аллалар («баюкальные» песни) болалар гормонал ривожланиши [3] да фақатгина маиший турмушда овутиш мақсадида пайдо бўлибгина қолмай, славян мифологиясининг диний фалсафий идрокини намоён этадиган, болани кун чиқиш ва кун ботиш пайтида қўзғаладиган ёвуз куч ва руҳларнинг тажовузидан ҳимоялаш, асраш каби мифологик қарашларини ифодалаб беради.

Кўринадики, алла кенг тарқалган анъанавий жанр саналиб, у дунё тилларида *байки, баюшки, хувди, лай-лай, алли-балли, лоло, алло* каби номлар билан машҳурдир. Алла она ва боланинг ўзига хос коммуникацияси, онанинг руҳий ҳолатини ва лисоний шахсининг воқеланиш жараёнидир. Шу боис, аллаларнинг Ибн Сино замонидаёқ Марказий Осиёдагина эмас, балки Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшовчи халқлар орасида ҳам машҳур бўлганлигини аллома таъкидлаб ўтади. “Девону луғотит турк” асарида Маҳмуд Кошғарий “балу балу” номи билан юритилганлигини, Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида “навоғу” тарзида қўллаганлиги маълум. Алла матни ҳажм белгисига кўра микроматн, янада аниқроқ ўрта ҳажмдаги матн саналади; ифода мақсади ва мазмунига кўра тасвирий (дейскриптив), ҳикоя (нарратив), изоҳ мазмунли(аргументли), дидактик (экспликатив), ҳиссий ифода мазмунли (экспрессив) матнларни ҳосил қилади.

Кўринадики, алла матни оғзаки бадиҳагўйликнинг ўзига хос шакли бўлиб, унда она фақатгина ўз турмуш шароити тасавури ва қалбининг ўша вазиятдаги оний кечинмаларини тайёр алла матн типларидан фойдаланган ҳолда ижро этади. Она алла ёрдамида панд-насихат, ҳолатни

тасвирлаш, ҳикоялаш, хабарлаш мазмунли матнлар ёрдамида болани таъсирлантиришни, ҳиссиётини кўрсатиш, муайян мақсадларда ишонтиришни хоҳлайди ва турли лексемаларда, услубий-синтактик воситалар, культуралемалар орқали болаларга хос матнни шакллантиришга ҳаракат қилади. Таҳлил учун 170 та алла матнини кўриб чиқдик, улардан 166таси болаларни ухлатиш мақсадида танланган, муайян бир нутқий вазиятни яратиш мақсадидаги нутқий актларни ҳосил қилса, 4 таси йиғи марсия алла бўлиб, ҳасрат, куйиниш актини ҳосил қилган.

Алланинг композицион яхлитлигида болаларга хос софлик, қувноқлик, ҳаракатчанлик каби туйғуларни ифодалашда кўплаб маданий кодлардан фойдаланилади.

Биз таҳлилга тортган 170 та алла ичида куйидаги вербал маданий кодлар учради:

1. Зооморф кодлар;
2. Флораморф кодлар;
3. Гастрономик кодлар;
4. Антропонли кодлар;
5. Уй-жой қурилиш кодлари;
6. Кийим-кечак кодлари;
7. Само жисмлари кодлари;
8. Топонимик кодлар.
9. Теонимик кодлар.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос маданиятини ифодаловчи, халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги анимистик, фетишистик, тотемистик дунёқараш натижасида ҳосил бўлган маданий кодлар матнларда метафора ҳамда иборалар шаклида намоён бўлади. Онг универсалиялари, ички форма, маданий коннотация тарзида баҳоланадиган метафоралар алла матнидаги маданий кодларнинг катта қисмини ташкил этади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, лингвофольклористиканинг ўрганиш объекти бўлган алла матнлари антропоцентрик ёндашув асосида тадқиқ этилганда, болалар оламининг лисоний манзарасини янада ёрқин ифодалашга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Мухамадиева Д.М. Коммуникативное пространство традиционной колыбельной песни. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Саратов. 2006.
2. Запорожец В.В. Символика колыбельных песен. Сборник научных статей по итогам работы международного научного форума наука и инновации, современные концепции. М., 2019.
3. Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро: Бухоро университети, 2000.